## “Йўлқурилиш” АЖнинг 2025 йил 12 ойлик бўйича ҲИСОБОТИ

Жамиятнинг асосий фаолияти таркибидаги корхоналар томонидан автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади.

Бугунги кун ҳолатига Жамиятда 29 нафар ҳамда таркибидаги корхоналарида 1 000 дан ортиқ ходимлар фаолият юритмоқда.

Жамият таркибидаги корхоналар ва буюртмачилар ўртасида 101 та объект бўйича тузилган шартномаларга асосан 2025 йил 12 ойликда 252 693,8 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари режасини амалда (100,0%) бажарилди.

Бугунги кунда йўл қурилиш объектларини олиш тендер орқали амалга оширилаётганлиги сабабли, корхоналарни рейтинг кўрсаткичларини ҳамда тендерларда ютиб олиш имкониятини ошириш бўйича кўрилган чораларга асосан республикадаги автомобиль йўллари кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш таъмирлаш соҳасида **10 та** корхонамиз ижобий рейтинг кўрсаткичларига эга.

Корхоналар томонидан 2025 йил 12 ой давомида “Шаффоф қурилиш” орқали ва бошқа буюртмачилар томонидан ташкил этилган тендерларда иштирок этилиб, шундан 122,7 млрд сўмлик 78 та объектлар Жамиятнинг 7 та корхонаси томонидан ютиб олинди ва икки томонлама пудрат шартномалар тузишга эришилди

CamScanner yordamida skanerlangan

Жамиятнинг 2025 йил 12 ой бизнес-режасига кўра, жамиятни сақлаш харажатлари учун таркибидаги корхоналардан ажратма ва дивиденд кўринишида жами 9,43 млрд сўм даромад олиниши белгиланган бўлиб, амалда 4,9 млрд сўм даромад олинган (режага нисбатан 52,5% га бажарилди), бунинг асосий сабабларидан бири йилдан-йилга ўтувчи объектларга молиялаштириш лимити камлиги ва смета нархлари жорий нархлардан арзонлиги сабабли режа кўрсаткичлари бажарилмади .

Доимий равишда корхоналарни соҳада рақобатбардош корхоналарга айлантириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш чоралари кўриб борилмоқда.

ИМ ва ИБ Бошқармаси бош мутахассис — Ж.Бегалиев

CamScanner yordamida skanerlangan